



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (12.343)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Фармон ва ижро

ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖИ — ОБОД ТУРМУШ ИФОДАСИ

Ўзбекистонда уй-жой, ижтимоий ва инфратузилмавий қурилишнинг жадал ривожланиётгани қурилиш материаллари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишида яққол намоён бўлаётди. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари sanoatida иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда қурилиш материаллари бозори энг мураккаб вазифаларни ҳал этиш имконига эга. Чунки мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан асосан маҳаллий хомашёдан, халқаро андозаларга мос сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар нисбатан арзон, экологик хавфсиз ҳамда иссиқлик ва товуш изоляцияси кўрсаткичлари юқори бўлганлиги сабабли хориж маҳсулотлари билан муносиб рақобатлашмоқда.

РИВОЖЛАНИШ УЧУН МУҲИМ ОМИЛ

1997 йилда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг ташкил этилиши қурилиш материаллари тармоғини жадал ривожлантириш имконини кенгайтди. Диверсификация даражасини юксалтириш, қурилиш ашёлари турларини кенгайтириш, юқори сифат ва инновацион хусусиятларга эга қурилиш материаллари экспортини таъминлаш ва ички бозорни улар билан тўлдириш бугунги кунда компаниянинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Ўз тизимида 100 дан ортиқ корхоналарни бирлаштирган «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ўтган йили салмоқли муваффақиятларга эришди. 2011 йилга нисбатан умумий ишлаб чиқариш ҳажмларининг 7,4 фоизга ўсиши таъминланди. 2012 йил якунларига кўра компания корхоналари томонидан 1506,1 миллиард сўм қийматидаги sanoat маҳсулотлари ва 157,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 2012 йилда умумий экспорт ҳажми қарийб 64,1 миллион долларни ташкил этди.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ишлаб бoshқармаси бошлиғи Аҳмадjon Ҳўжакуловнинг айтишича, мамлакатимизда цемент sanoati жадал ривожланмоқда. 2012 йилда 6,8 миллион тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқарилди. Шифер, қурилиш ойнаси ва гипс, керамик плитка, куруқ қурилиш аралашмалари, гипскартон тахталари, шиша буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам салмоқли бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ташкил этилган семинар ана шу мавзуга бағишланди.

Қарор ва ижро

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда «Солиқ инфо» газетаси тахририяти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги корхоналар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритадиган бухгалтерлар иштирок этди.

Мамлакатимизда юритилаётган солиқ ва бюджет сиёсати хўжалик субъектлари ҳамда аҳолига нисбатан солиқ юқини изчил камайитириб бориш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган. Жорий йилда бу йўналишдаги ислохотларни амалга оширишда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Кўрмақобод» маҳалласида Заҳриддин Муҳаммад Бобур тавал-

лудининг 530 йиллигига бағишланган маданий тадбир уюштирилди.

✓ **БУГУН** Травматология ва ортопедия институтида «Сало-

матлик мезонлари, доволанишнинг замонавий усуллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимиздаги 25 та олий ўқув юртларида «Ўзбекистон

маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Келажак овози» ахборот хоналари очилди.

Жорий йилнинг 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши соҳасидаги парламент назорати Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидованинг маърузасида Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш борасида тегишли ишларни амалга оширганлиги таъкидланди.

Шу тўғрисида ҳам Омбудсман фаолиятида ҳисобот даврида давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир қонун ҳужжатларининг риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий оғини ошириш масалаларига катта аҳамият берилди.

Савол-жавоблардан сўнг Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг маърузаси атрофида муҳокама қилинди. Муҳокамада барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида сайланган депутатлар ўз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидладиларки, хусусан, давлат хизматчилари томонидан турли соҳаларда қонун ҳужжатларига риоя этилишини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминлашини мониторинг қилиш 2012 йилда Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўлди. Чунончи, ўтган йили Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида оилавий тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг ҳолати ўрганилди, бу тадбир фуқароларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш самарадорлигини янада оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси фракцияси аъзолари 2012 йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили манзилига фуқаролардан 12 мингдан зиёд мурожаат келиб тушганлигига эътиборни қаратдилар. Мурожаатларнинг барчаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилди. Бу фуқароларнинг мурожаатларида баён этилган далилларни чуқур таҳлил қилиш жойларда турли органлар ишидаги эҳтимол тутилган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш имконияти-

ни яратиши билан боғлиқдир. Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишга доир фаолиятида яшашга, эркинлик ва шахсий дахлсизликка, суд ҳимоясига ва одил судловга бўлган конституциявий ҳуқуқларга риоя этилиши ва уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин тутди.

«Миллий тикланиш» Демократик партияси фракциясидан сўзга чиққан депутатлар шуни таъкидладиларки, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳисобот даврида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича ахборот-маърифий ишларга, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, аввало, таълим, фан ва маданият соҳаларида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини тушунтириш масалаларига катта эътибор қаратди. Чунончи, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили 2012 йилда ўз фаолияти билан боғлиқ мавзулар бўйича 50 дан ортиқ тадбирда иштирок этди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Омбудсманнинг амалдаги қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга қаратилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириши масалалари ҳақида сўз юритдилар. Бундай ҳамкорлик икки томонлама асосда ва халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш йўли билан амалга оширилган. Европа, Оснб, МДҲ мамлакатлари омбудсманлари билан амалий алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоларининг таъкидлашича, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида бундай назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирокини фаоллаштириш борасидаги ишларда фаол иштирок этди. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам фуқароларни ва уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини кенг тарғиб этиш йўли билан ана шу жараёнга фаол кўмаклашдилар.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон машинасозлик институтида миллий маънавиятимиз ривожига Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодининг ўрни ва аҳамияти мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

• Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган йиғитларни ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимида маҳаллий ҳокимият, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чакирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

• Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳарбий суд ва прокуратура, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

• Бухорода «Оилавий тадбиркорлик — жамият ривожининг гаровидир» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Савдо-саноат палатасининг вилоят худудий бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликнинг ўрни, ушбу фаолият турига доир имтиёз ва имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

• Амударё тумани Ўрта қалъа сувулу фуқаролар йиғини худудидидаги «Ергулоб» фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Россиянинг «Колак» фирмасининг замонавий ускуналари ўрнатилган цех бир кеча-кундузда бир тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Айни кунда беш турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган цехда касб-хунар коллежаларини таъғатган 6 нафар ёш иш билан таъминланди.

• Шаҳрисабздаги «Mastev-Kesh» масъулияти чекланган жамияти томонидан газланган минерал сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона тадбиркорлари банкдан 150 миллион сўм миқдорда кредит олишди. Ушбу савий-ҳаракатлар натижасида 10 киши иш ўрнига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

• Астрономлар томонидан «2012 DA14» дея ном берилган, узунлиги 45 метр ва оғирлиги тахминан 130 тонна бўлган астероид эртага Ердан тахминан 32 минг километр масофа наридан учиб ўтади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу астероид Ер марказидан 34 100 километр, сайёраимиз сиртидан эса нисбатан камроқ — 27 700 километр масофада учиб ўтаркан. Олимлар ҳеч қандай ваҳимага ҳожат йўқлигини айтишмоқда.

• Буюк Британиядаги Economist Intelligence Unit компанияси томонидан жаҳондаги 131 та шаҳарда олиб борилган изланишлар натижасига кўра, Ер шари бўйича Токио яшаш учун энг қиммат шаҳар дея топилди. Яшаш учун қиммат шаҳарлар ўнталигидан шунингдек, Осло, Мельбурн, Сингапур, Цюрих, Париж, Каракас ва Женева шаҳарлари ўрин олган. Яшаш учун энг арзон шаҳарлар ўнталиги эса Техрон, Жидда, Панама, Коломбо, Бухарест, Жазоир, Катманду, Нью-Дели, Мумбай ва Карачи шаҳарлари кирмоқда.

• Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Висенте Пиражибе» қамоқхонаси маҳбуслари канализация қувури орқали қочиб муваффақ бўлишди. 27 нафар маҳбус қамоқхонадан қочишни жорий йилнинг 3 февралда амалга оширган бўлиб, жиноятчилар камерадан канализация тизимига уланиб кетадиган тоннел қазининг урдасидан чиқишган. Қочоқларнинг тўрт нафари ўша захоти қўлга олинган бўлиб, қолганлари ҳозирда полиция томонидан қидирилмоқда.



Аъло Абдуллаев
ЎзА олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Булларнинг барчаси мамлакатимизда аҳоли яшаш жойлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг миқёсли лойиҳалар амалга оширилаётгани ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва янги юқори технологик қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда санъат объектлари, уй-жой фонди, тиббиёт муассасалари, ўқув масканларини бунёд этишга қаратилган дастурлар рўйбга чиқарилаётгани натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига талаб ортиб бораётгани билан боғлиқдир.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАСИ

Тармоқнинг жадал суръатларда ривожланишини қурилиш материаллари бозори асосий иштирокчиларининг қувватларини модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиши таъминлаб бўлмайдди. 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси еттита лойиҳани амалга оширди, шундан олтитаси 11,73 миллион долларлик маблағларни ўзлаштирган ҳолда хориж сармоялари ҳисобига бажарилди. Лойиҳаларнинг асосий мақсади – ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда текширувлар ўтказиш, солиқ қарзларини ундириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, жисмоний шахслар даромад солиғи ва қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш, солиқ ҳисоботларини топшириш даврийлигининг қисқартирилиши масалалари бўйича мам-

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

лакатимиз Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда бошқа қўллаб масалалар қўриб чиқилди.

Тадбирда ҳўжалик юритувчи субъектларни текшириш билан боғлиқ ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилди. Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларига аъзо бўлган тадбиркорлик фаолияти текшируви тадбиркорлик фаолияти субъектларининг сўрови билан ушбу бирлашмаларнинг вакиллари иштирокида ўтказилиши мумкинлиги таъкидланди.

Семинар иштирокчиларига молия-ҳўжалик фаолияти текширувларини ўтказиш тартиби, уларнинг қисқартирилгани тўғрисида зарур тушунтириш берилди. Энди тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат камерал назорат натижасида қонунбузарликлар аниқланган ҳолатлардагина ўтказилиши мумкин.

Солиқ кодексига киритилган янги ўзгаришларга қўра, давлат солиқ хизмати органи тадбиркорлик субъектини режалар солиқ текшируви бошланиши тўғрисида текширув бошланишидан камида ўттиз календарь кун аввал текширув муддатлари ва предметини аниқ қўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни рағбатлантириш мақсадида шу йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортилувчи базани камайитириш имконияти шаклида имтиёз қўлла-нади. Мазкур имтиёз, шунингдек, маҳсулотнинг халқаро андозаларга мувофиқлигини сертификатлаштириш, лаборатория синовлари ва тестларини амалга ошириш учун комплекслар харид қилишга ҳам таъбиқ этилади. Айни пайтда солиққа тортиш базасининг ушбу харажатлар бўйича камайитирилиши ушбу харажатлар қилинган солиқ давридан бошлаб беш йил давомида амалга оширилади.

(ЎЗА)

ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖИ — ОБОД ТУРМУШ ИФОДАСИ

трансформатор ўрнатиш, цемент юклаш узелини иккита электрон тарози билан жиҳозлаш, шохобча темир йўлини ва ишлаб чиқаришнинг бошқа алоҳида қисмларини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда. «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамияти эҳтиёжлари учун кон усқуналари, шу жумладан, 2 та «БелАЗ» самосвали, «Dussan» юк ортгичи, «Четра» бульдозери ва «Hitachi» экскаватори харид қилинди.

«Green line profil» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси, «Кнауф Гипс Бухоро» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси, «National plast» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг ижтимоий-маиший инфратузилмаси ҳам реконструкция қилинмоқда. Қарз маблағлари ҳисобига Тошкент вилоятидаги «Silk Road Ceramic» қўшма корхонасида йилига 5 миллион квадрат метр

юмшоқ том материаллари ишлаб чиқариш, пойтахтимиздаги лойиҳа бўйича йилига бир миллион квадрат метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга «BML Group» масъулияти чекланган жамиятида эса пенополистиролдан қоплама панеллар ва сандвич-панеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси салмоқли натижаларга эришди. Ўтган йили истеъмолчиларга кўп қатламли полимер плёнка, тампонлаш цементи, шамотли ўтга чидамли гишт, графитли электр чўткалар, капрон, текстил, конвейер роликлари, керамик безак плитка, табиий тошдан плиталар ва буюмлар, похол, маҳаллий ёғоч чиқитлари ва ғўзапоядан ДСП мебель плиталари тақлиф қилинди. Умуман, компания корхоналари 91,71 миллиард сўмлик 24 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш материаллари бозорлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари билан тўла, – дейди тошкентлик Абдор Абдуллаев. – Янги уй қуриш истагида бозорлардан бирида қўрилиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Кенг турдаги маҳсулотлар орасида керагини танлаб олиш имконияти борлигидан қувондим. Энг муҳими, бизнинг маҳсулотлар сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайди, нархи ҳам ҳамён-боп.

Жорий йилда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси керамик плитка ишлаб чиқариш қувватларини 8,35 миллион квадрат метрга етказишни мўлжалламоқда. Инвестиция дастурлари ва тармоқни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобидан 1028, шу жумладан, касаначилик асосида 77 иш ўрни яратиш режалаштирилаётди.

Қурилиш ишларининг жадал суръатлари мамлакатимиз қурилиш материаллари санъати ривожига муҳим омил бўлмоқда. Шу сабабли бугун қурилиш санъати иқтисодийнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Стул ва стуллар, курсичалар, қутичалар, шахмат тахталари ва доналари... Қадимдан меҳнатсевар ҳалқимиз ёғочдан турли шаклдаги нақшинкор буюмлар ясаган.

Мамлакатимизда ёғоч ўймакорлиги халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Бир неча асрлар аввал шакланган мазкур санъат ривожига муваффақият қилинганда янги босқичга кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадийи хўнармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Уста-хўнармандларнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши, уларга турли имтиёزلарнинг бери-

ёғоч ўймакорлиги – ўзига хос санъат тури бўлиб, моҳир усталар ишлаган ноёб буюмларни кўрган-да, биз уларнинг нафислиги ва ғўзаллигидан ҳайратга тушамиз, – дейди ЎЗА муҳбирига Ш.Юсупов. – Мен буни ҳар кун ўз шоғирдларимга ўқираман.

Хўнарманднинг устахонасидаги тўртта цех бутун бир халқ хўнармандлиги санъати оламида ўзида мужассам этган. Усталар уч-тўрт йил мобайнида табиий шароитларда қурилган чинор ва ёғоқ дарахтидан стол-стуллар, қутичаларга безаклар ясашади, ҳатто қуш шаклини ҳам яратишади. Бу ўзига

эмаслигига қарамай, у мазкур танловда ўз кучини синаб кўришга қарор қилади. Ҳозир у бундан сира ҳам афсусланмайди, чунки «Ташаббус»да иштирок этиши унга кўплаб муваффақиятлар эшигини очди. Хусусан, 2011 ва 2012 йилларда Шавкат мазкур танловнинг Тошкент вилояти босқичида «Миллий хўнармандчилик» номинацияси бўйича голиб деб топилди. Ҳозирги кунда у ишлаган буюмлар мамлакатимиз ва хорижий кўрғазма стендаларини безаб турибди. Олдинда эса, уни янги муваффақиятлар кутмоқда.

Атрофдагилар билан тез киришиб кетиш, омилкорлик ва таваккал қила билиш – замонавий тадбиркорнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Бу тамойилларга амал қилган хўнарманд бугун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида кўплаб ютуқларга эришди. У шунинг ўзи билан кифояланиб қолишни истамайди.

Тадбиркорнинг миллий хўнармандчилик мактабини очиб бизнес-лойиҳаси банк томонидан 100 миллион сўм маблағ билан молиялаштирилди.

– Қибрай туманида касб-хўнара коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини ёғоч ўймакорлигига ўргатадиган мактаб очини мўлжалламоқдамиз, – дейди Ш.Юсупов. – Юз нафардан ортқ ўқувчига мўлжалланган мактабда ўқиш муддати 6 ойни ташкил этади, бунда кам таъминланган оилалар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқишни

яқунлаган ёшларга Республика «Хўнарманд» уюшмаси аъзолигига киришга кўмаклашамиз. Бу уларга яқка тартибда фаолият бошлашга ёрдам беради.

Мамлакатимиз иқтисодийдини изчил ривожлантириш мақсадида тадбиркорликка улкан эътибор қаратилмоқда, бизнес яритиш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Шу боис ҳар бир тадбиркорлик субъекти, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, янги-янги муваффақиятларга эришишга интиломоқда.

Адхамбек РАШИДБЕКОВ

2013 йил — Обод турмуш йили ХўНАРМАНДНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

хос гоёларни Шавкатга унинг заргар акаси тақлиф этган эди. Ака-укаларнинг нияти – ҳамкорликда ишлаб, мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос, айни пайтда миллий турмуш тарзимизнинг ўзига хослигини акс эттирадиган мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Улар мебелларга тушириладиган нақшлар доимо шарқона услубда бўлишини истайдди.

2009 йил тадбиркор Ш.Юсупов фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Шу йили унга дўстларидан бири «Ташаббус» кўрик-танловига қатнашишни тақлиф этади. Халқ амалий санъатида тажрибаси унча катта

Транспорт

СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Бугунги кунда барча тармоқлардаги сингари йўловчи ташиш транспорти соҳасида ҳам қизғин рақобат муҳити юзга келди. Айниқса, мазкур соҳада хўсусий секторнинг фаолият кўрсатаётганлиги давлат тизимига тегишли жамоат транспорти хизматини ҳам сифат жиҳатидан юқори босқичга чиқишида муҳим омил бўлди.

Чунки бугунги рақобатчилик шароити мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир жамоадан йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни тақозо этмоқда. Бир сўз билан айтганда, соғлом рақобат муҳити шароити барча соҳаларда ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳада вужудга келган рақобат муҳити туфайли ишимизни қайта кўриб чиқишимизга тўғри келди, – дейди биз билан суҳбатда шахримиздаги «3-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Анвар Жўраев. – Сабаби, бугунги йўловчига тез, сифатли, намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмасеки транспортлар иши аниқ жадвал асосида ташкил этилмасе, корхона ўзининг кўлгина миқозларидан айрилиб қолишига тўғри келади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳолат йўловчиларнинг мазкур транспорт воситаларига нисбатан нафақат ишончини сўндиради, балки корхонага катта иқтисодий зарар ҳам келтиради. Шуларни ҳисобга олиб, тасарруфимиздаги 20 та йўналиш бўйича қатнайдиган 200 дан зиёд транспорт воситаларининг аниқ қатнов жадвали ишлаб чиқибли, унга қатъий амал қилиш бош вазифа этиб белгиланди. Натижа ёмон бўлмапти. Мана шу ишларнинг самараси ўлароқ биргина ўтган йили қарий 50 миллион нафар йўловчига намунали хизмат кўрсатишга эришдик. Бу, албатта белгиланган режага нисбатан анчагина кўпдир. Шунингдек, йўловчилар ташиш даромад режаси ҳам 20 миллиард 927 миллион ўрнига 21 миллиард 389 миллион сўм миқдорига бажарилди.

Энг муҳими эса самарали ўзгаришлар натижасини йилнинг дастлабки ойлариде яққол кўзга кўрина бошлади. Бу эса 2013 йилда бундан самарали ва муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун пухта замин яратди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ИНТЕРАКТИВ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида интерактив доскалар ва электрон дарсликлар жорий этилади. Шу муносабат билан Мультимедия умумтаълим дастурларини такомиллаштириш маркази ташаббус билан электрон-интерфаол синф доскаларидан фойдаланиш бўйича пойтахтимиз педагог-ўқитувчилари иштирокида семинар-тренинглр ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган Мультимедия умумтаълим дастурларини такомиллаштириш марказида умумтаълим порталлари ва таълим ресурслари учун видеолархона ҳамда мультимедияли материалларни монтаж қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган мультимедия студияси фаолият кўрсатмоқда. Бу студияга мукамал материаллар ва видеодарсларини тайёрлаш учун пойтахтимиз умумтаълим мактабларида фаолият юритиб келаётган малякали ўқитувчилар жалб этилган. Марказ энг замонавий графика ва видео-тахрир имкониятларига эга компьютер усқуналари билан таъминланган. Барча тайёр материаллар марказнинг антивирус дастурлари билан ҳимояланган веб-серверларда сақланади. Ҳозирда марказда MOODLE масофадан ўқитиш тизимини яратиш бўйича амалиётлар олиб борилмоқда.

Масофадан ўқитиш лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири таълим жараёнининг барча иштирокчилари учун таълим ресурсларидан фойдаланишда бепул ва қулай имкониятлар яратиш беришдан иборат.

Мультимедия умумтаълим дастурларини такомиллаштириш маркази томонидан ўтказилган ўқув машғулотларида қатнашган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари муаллифлик электрон ресурсларини яратиш, мавзуга доир маълумот тўплаш, сценарий тузиш, макет ишлаб чиқиш каби амалиётларни мустаҳкамлаб олишди.

Марказ томонидан Тошкент шаҳридаги 69-мактабнинг биология ўқитувчиси Моҳиба Пўлатова-на «Лаборатория иши шаклида дарс ўтиш маҳорати» деб номланган электрон ресурс энг яхши ишлардан деб топилди. Бу лойиҳа орқали ўқувчи микроскоп билан тажриба ўтказиш амалиёти кўникмаларини қийналмай ўзлаштириб олиши мумкин.

Мультимедия умумтаълим дастурларини такомиллаштириш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун электрон ресурслар ва мультимедияли дарсликлар ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли фаолият олиб борилмоқда.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк сиймолардан бири улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур бизга бой қўлёзма мерос қолдирган. Унинг шеърӣ девони, «Бобурнома», «Аруз рисолаи», «Хатти Бобурий», «Мубаййн», «Рисолаи волидийа» (таржима), «Муסיқа илми» ва «Харб иши» каби илмӣ ва бадӣй баркамол асарлари жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган.

кан ҳисса қўшган Бобурийлар авлодидан бўлган Мирза Алибахт Афғарийларнинг бизга етиб келган қўлёзмалари эътиборга лойиқ.

Кези келганда шунӣ алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобурнинг шеърӣ назариясига оид «Аруз рисолаи» қўлёзма нусхаларининг топилиш тарихи ҳам нисбатан унча узокқа бормади. Бу асар ҳақида илк бор турк олими Фуад Купрулузода ахборот берган. У Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзманинг Бобур асари эканлигини «Турк мажмуаси»нинг иккинчи жилдида эълон қилган мақолада исботлаб берди. Бундан хабар толган йирик навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон ўзининг Англия ва Францияга қилган илмӣ сафари нати-

қелган Бобур асарларининг тўплами қўлёзма Тохрон Миллий кутубхонасида сақланаётганлигини аниқлади. Ҳозир бу қўлёзманинг нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида мавжуд. Тохрон Миллий кутубхонасида сақланаётган бу қўлёзма ни ўрганиш натижасида бу нусха Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тўпламидан иборат эканлиги маълум бўлди.

Қўлёзма Бобурнинг «Мубаййн», «Аруз рисолаи», «Бобурнома» ва Ҳожа Ахрорнинг «Рисолаи волидийа» асари таржимасидан иборат бўлиб, жами 1036 саҳифани ташкил этган.

Шу кунга қадар мазкур асар қўлёзмасининг яққо ягона ҳисоблаб келинган, Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган

1526 йилдан то 1858 йилгача бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларнинг энг ноёб нусхаларининг жой олганлиги ҳар бир ўзбекнинг қалби ва шуурини ҳайратга солай қўймади.

Бу нодир тарихий ва маданий ёдгорликлар 1950-1951 йилларда Жон Наҳак томонидан музейга ҳадя сифатида топширилган. Бу тухфалар орасида энг диққатга сазоворӣ бевосита Бобурий ҳукмдорларига оид бўлган ва Манхур Дас номли ижод соҳибӣ мўйқаламига мансуб миниатюра асаридир. Бу асар 1602 йилда ишланган бўлиб, унда император Акбаршоҳнинг қадрдон дўсти Мирза Азиз Қўкани ўз даргоҳида қабул қилаётганлиги акс эттирилган. Шунингдек, Циңцинати Санъат музейига 1962 йил Уильям ва Луиза Тафт Семпл ва бошқалар томонидан қилинган тухфалар ҳам музей фондини бобурийлар тарихига оид қимматли манбалар билан янада бойитишга хизмат қилган. Улар орасида, айниқса, Саъдийнинг «Гулистон» асарига ишланган миниатюралар алоҳида аҳамият касб этди.

Музей фондида сақланаётган Бобурийлар кутубхонасига оид айрим қўлёзмаларга ишланган миниатюраларда Хиңдистон мамлакатини биравлаштириш ва ягона империя барпо этиш йўлидаги ҳарбий юришлар лавҳалари акс эттирилган бўлиб, бошқа бир гуруҳ қўлёзмаларда Хиңдистондаги бобурийлар сулоласининг сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан chambarchас боғлиқ бўлган тарихий воқеалар, маиший ҳаёт тарзи ифода қилган.

Циңцинати Санъат музейи хазинасида юзга яқин тарихий ва санъат асарлари сақланиб келинмоқда. Биз уларнинг айримларини тилга олиб ўтдик, ҳоло.

Хулоса қилиб айтганда, маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак бўлади. Ҳозирча Бобур меросининг чет элларда мавжуд қўлёзмаларининг бир қисмини қўлга киритилди. Эрон, Туркия, Хиңдистон, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган қўлёзмаларнинг катта қисми билан танишмоқ, уларни сураатга тушириб Ватанимизга олиб келмоғимиз зарур.

Саидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



Маълумки, Бобур меросини ўрганиш узок тарихга эга. Айниқса, унинг қўлёзма меросини излаш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўпқои сароӣи Реванд кутубхонаси, Хиңдистондаги Рампур Навоби кутубхонасида сақланиб келаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида шоир шеърларининг мукаммал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, улар илмӣ истифодага киририлмоқда. Хусусан, Хайдарободдаги «Саларжанг» музейи хазинасидан шу кунга қадар умуман бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг XVII-XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлёзма нусхасининг маълум қилиниши ва Бобур девони қўлёзмасининг Лондонда сақланаётган янги нусхаси бунинг ёрқин далилидир.

Бу қўлёзма нусхалар, бир томондан, Бобур шеърӣ меросини бойитишга ёрдам берса, бошқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик киритишда қўл келади. Шунингдек, Хиңдистоннинг Дехли, Алигарх, Калькутта ва айниқса, Мадрас шаҳридаги қўлёзма хазиналарида Бобур ижоди билан боғлиқ бўлган талайгина қўлёзма манбалар маълумлиги аниқланди. Улар билан танишиш жараёнида Бобур аъённаларини Хиңдистонда давом эттирган, туркий халқлар адабиётига маълум ҳисса қўшган шоир, олим ва моҳир таржимонлар силсиласи юзага чиқиб босди. Булар орасида Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо, хиңд, форс-тожик ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга ул-

жасида Бобурнинг «Аруз рисолаи» асарининг ўша даврда яққо ягона деб ҳисобланиб келган қўлёзмасини Ўзбекистонга олиб келишга муваффақ бўлди ва уни биринчи бор нашр қилдириб, илмӣ муомалага олиб киришда катта хизмат кўрсатди.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларида Туркияда нашр этилган Ислам тадқиқотлари инситуту каталогиди Бобур асарлари қўлёзмасининг энг қадимги ва энг нодир нусхаси Эронда сақланаётганлиги маълум қилинган эди.

Ўзбекистоннинг истиқлолга юз тутиши халқро алоқаларга кенг йўл очди. Бобур ижодини ўрганиш бўйича қатор хорижий давлатларга муваффақиятли экспедициялар уюштирилди. Бобурнинг Машхад музейида сақланаётган ва ўзи ихтиро қилган хат билан ёзилган «Курьони карим» қўлёзма нусхасининг Ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Тохронда ўтказилган XVII Халқаро китоб кўргазмаси муносабати билан Тохрон музейлари ва кутубхоналари фондлари билан бирма-бир танишиб чиқдик ва бу сафарнинг қувончли воқеаларидан бири - ўша илгирги Салтанат кутубхонасида сақланиб

қўлёзмасига маълум эди. Бу нусха котиб Муҳаммад Самарқандий томонидан Бобур вафотидан атғи 3-4 йил ўтган кўчирилган бўлиб, у қадимийлиги нуҳта назаридан муаллиф матнига энг яқин бўлган нусха ҳисобланиб келмоқда.

Бобурийлар яратган бой мерос жаҳоннинг турли хазиналаридан муносив жой олганлигининг ўзи бу меросга бўлган қизиқшинг ҳозир ҳам нақадар катта эканлигини далил қилади. Чунонки, АКШнинг Огайо штатининг пойтахти Циңцинати шаҳрида ўнлаб музей ва йирик кутубхоналар мавжуд. Шулар орасида ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида кўзга ташланиб турадиган мухташам бинода Санъат музейи жойлашган бўлиб, унда Америка ва Европа тарихига оид ноёб асарлар намойиши билан бирга, унинг хазинасида Шарқ халқлари, айниқса, форс ва туркий халқлар маданиятига оид бой мерос ҳам кўз қорачиқдек сақланиб келаётганлиги бизни таъжубга солди. Санъат музейи хазинасидан ўзбек халқининг буюк шоири, давлат арбоби, Темурийлар сулоласининг Хиңдистондаги давомчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларига мансуб шахзодаларнинг

БАҲҲУ БАЙТЛАР ЯНГРАДИ

Темурийлар тарихи Давлат музейида Республика ихтисослашган муסיқа ва санъат академик лицейи билан ҳамкорликда буюк саркарда, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб «Маънавиятимиз тарихидаги буюк сиймо» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ни яратади. Бобур қаламига мансуб «Мубаййн», «Харб иши», аруз вази ҳақидаги рисолалар ислом, шеърӣ ва тил назарияси соҳаларининг ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. «Бобурнома» тарихий воқеалар билан бирга табиёт, география, зоология, политология, астрономия, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография, педагогика ва фаннинг бошқа соҳаларига доир жуда қимматли далил ва маълумотлар берувчи ва қолверса она тилимизда ёзилган қомусий асардир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 20 дан ортқ соҳаларга қизиққанли-

гини биргина «Бобурнома» асариди кўришимиз мумкин. Шоирнинг ижодини ўрганиш Ўзбекистон Истиқлолга эришгандан кейин юксак поғонага кўтарилди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири улорақ, улуғ зот бизнинг тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Тадбир якунида иштирокчиларга музейнинг кўргазма заллари бўйлаб экскурсия ташкил қилинди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Маънавий-маърифий ишлар қўламини кенгайтириш, айниқса ўқув масканларида ушбу масалага муҳим эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб вазибалари сирасига қиради.

Ўқув масканларида МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Бинобарин, таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини ёш авлод онгига таъсиран усуллар орқали синдириш, юртимизга қарши гоъвий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кунларнинг гаразли мақсадларини фох этиш, одамларни хушёрликка даъват қилиш борасидаги ишларни янада қучайтириш каби долзарб вазибалар юқлатилганлигидан келиб чиққан ҳолда Тошкент Тибиёт академиясида Обод турмуш

йилига бағишлаб «Маънавий-маърифий ишлар қўламини, Мафкуравий ҳаётнинг долзарб мавзулари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Сирдарё вилоятидаги жами 17 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг касбий таълим, маънавий-маърифий ишлар, ўқув ва ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосарлари ва маънавият соҳаси ходимлари иштирок этди. Семинар-тренинг давомидида Тошкент Тибиёт академиясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Т.Бобомуратовнинг «Тошкент

Тибиёт академиясида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар», Тибиёт академиясининг 1-сон ижтимоий фанлар кафедраси мудири, профессор Т.Норқулловнинг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти инситутларини шакллантириш ва ривожлантириш», Тибиёт академияси 2-сон ижтимоий фанлар кафедраси педагоги Н.Умрзоқованин «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва талабаларнинг маънавий муҳитига салбий таъсиран етувчи омилларнинг олдини олишда устоз-мураббийларнинг роли» мавзуларида маърузалар тингланди. Семинар якунидан сўнг қатнашчилар Тошкент тибиёт академиясида маънавий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилиши, талабалар турар жойларида яратилган шарт-шароитлар, ўқув биноларида таълим жараёнининг ташкил этилиши билан бевосита танишишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Тошкент Давлат шарқшунослик инситуту фондида кўлаб ўқув адабиётлари мавжуд. Шарқшуносликда амалга оширилган йирик фундаментал тадқиқотларнинг аксарияти шарқ тилларида битилган қўлёзма манбалар таржимаси билан боғлиқ.

КАТАЛОГЛАШТИРИЛГАН ҚЎЛӨЗМАЛАР

Институт қўлёзмалар хазинасида 80 мингга яқин алоҳида асарларни ўзига жамлаган 25 мингдан ортқ IX-XX аср бошларига оид китоблар, 28000 жилддан ортқ тобшома ва арабий илмода нашр этилган китоблар бор. Ана шу қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш натижасида бизда ҳам жаҳон шарқшунослигининг устувор йўналишларидан бўлган қўлёзмаларни каталоглаштириш ва манбашунослик шаклланиб ривож топди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб шарқшунослик инситутида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари каталогларининг рус тилида аввал 11 томлиги, сўнгра мавзудар бўйича каталоглар нашр қилинди. Навоий, Жомий каби буюк сиймолар асарлари қўлёзмалари каталоглари ҳам тузилдики, булар соҳа мутахассислари учун катта қўлайликлар яратди.

Қўлёзмаларни каталоглаштириш ишлари Беруний номидаги Шарқшунослик инситутида давом эттирилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан 1. № 4718/7-сонли ижро ҳужжатида асосан 1985 й. и/ч. Газ 24, д/р.30 L 4851. Бошланғич баҳоси - 170 069 сўм. 2. № 2585/8-сонли ижро ҳужжатида асосан 1984 й. и/ч. Газ 24, д/р.20 N 6692. Бошланғич баҳоси - 191 850 сўм. 3. № 7279/8-сонли ижро ҳужжатида асосан 1990 й. и/ч. Мерседес бенц, д/р.11 O 4482. Бошланғич баҳоси - 7 290 000 сўм. 4. № 5970/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1990 й. и/ч. Газ 24, д/р.11 E 3656. Бошланғич баҳоси - 449 163 сўм. 5. № 6072/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1975 й. и/ч. Газ 24, д/р.11 R 0668. Бошланғич баҳоси - 402 018 сўм. 6. № 6074/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1988 й. и/ч. Газ 24, д/р.11 Z 7995. Бошланғич баҳоси - 512 210 сўм. 7. № 6529/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1976 й. и/ч. Газ-452, д/р.11 U 4315. Бошланғич баҳоси - 760 223 сўм. 8. № 6688/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1980 й. и/ч. Газ-452 A, д/р.11 Q 0474. Бошланғич баҳоси - 1 253 946 сўм. 9. № 6703/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1975 й. и/ч. Газ-469, д/р.11 Q 2417. Бошланғич баҳоси - 323 542 сўм. 10. № 6704/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1988 й. и/ч. Газ-315201, д/р.11 X 1022. Бошланғич баҳоси - 226 996 сўм. 11. № 7056/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1986 й. и/ч. Газ-396201, д/р.30 C 8069. Бошланғич баҳоси - 1 240 341 сўм. 12. № 7180/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1987 й. и/ч. Газ-3151201, д/р.11 W 7108. Бошланғич баҳоси - 645 441 сўм. 13. № 7523/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1977 й. и/ч. Газ-2102, д/р.11 O 1082. Бошланғич баҳоси - 345 330 сўм. 14. № 7948/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1989 й. и/ч. Газ-968 M, д/р. Ж 8898 ТШ. Бошланғич баҳоси - 57 379 сўм. 15. № 9282-сонли ижро ҳужжатида асосан 1986 й. и/ч. Газ-968 M, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси - 112 171 сўм. Зангиота тумани «Кўктерак Матлбурт Инвест» МЧЖда сақланмоқда. 16. № 2945/8-сонли ижро ҳужжатида асосан 1984 й. и/ч. Газ-469, д/р.10 I 1258. Бошланғич баҳоси - 161 433 сўм. 17. № 5813/8-сонли ижро ҳужжатида асосан 1979 й. и/ч. Газ-452, д/р.11 L 2019. Бошланғич баҳоси - 215 229 сўм. 18. № 7717/8-сонли ижро ҳужжатида асосан 1979 й. и/ч. Газ-452, д/р.11 L 1125. Бошланғич баҳоси - 379 704 сўм. 19. № 3497/9-сонли ижро ҳужжатида асосан Газ-3151201, д/р.12 F 0723. Бошланғич баҳоси - 678 056 сўм. 20. № 6585/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1982 й. и/ч. Камаз-5320, д/р.30 K 7639. Бошланғич баҳоси - 13 019 387 сўм. Зангиота тумани «Нуррашон Бизнес Савдо» ХСЧҚда сақланмоқда. 21. № 8926/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1992 й. и/ч. ИЖ-21251, д/р.11 N 0389. Бошланғич баҳоси - 351 126 сўм. 22. № 8927/9-сонли ижро ҳужжатида асосан 1983 й. и/ч. Газ-452, д/р.30 V 9298. Бошланғич баҳоси - 651 926 сўм. Зангиота тумани «Бурҳон Савдо» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 23. Ангрён шаҳар СИБ томонидан 15.08.2012 й. № 6719-сонли ижро ҳужжатида асосан 2006 й. и/ч. «ЖАК-НФС-5030 ХХУКВ русумли, д/р. 10 D 183 CA. Бошланғич баҳоси - 20 000 000 сўм. 24. Зангиота тумани СИБ томонидан 02.03.2011 й. № 10-1119/490-сонли ижро ҳужжатида асосан «Асбестцемент махсулотлари ишлаб чиқарувчи XSW80 маркали технологик жиҳоз». Бошланғич баҳоси - 62 500 000 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Богзор қўргони, УЯ 64/65-сонли ЖИЭМ худудида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 19 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридиги автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси 2013 йил 19 март куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини ва ишлаб чиқариш ускунасини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 3 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси билан суд департаменти вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020800104887305002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юносубод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

Хизматлар лицензияланган.

«КОСНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади! Савдога Миробод тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 6 декабрдаги 10-1014/20894-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 31-уй, 33-хонадон манзилда жойлашган, умийий майдони 50,15 кв.м бўлган 4 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган уй-жой такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 86 200 000 сўм. Савдо 2013 йил 4 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 1 март куни соат 18:00. Қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита келишга чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАТИБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамил кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Тошкент шаҳар ҳоқимияти томонидан 2009 йил 25 июнда «SHUHRAT FAYZ» (ИНН 203868810) МЧЖга алгоғолли махсулотлар билан чакана савдо қилиши ҳуқуқини берадиган серия рақами СА 04879 бўлган 2700/А-сон билан рўйхатдан ўтган рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат иқтисодий университетини томонидан 26.07.2004 йилда Сотимов Зафар Музафарович номига берилган 1140 рўйхат рақамли, В№167611 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳоқимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Учтепа туманидаги 23-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Мунира Мухиддиновна ШАХОБОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар ҳоқимияти томонидан 2009 йил 25 июнда «SHUHRAT FAYZ» (ИНН 203868810) МЧЖга алгоғолли махсулотлар билан чакана савдо қилиши ҳуқуқини берадиган серия рақами СА 04879 бўлган 2700/А-сон билан рўйхатдан ўтган рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат иқтисодий университетини томонидан 26.07.2004 йилда Сотимов Зафар Музафарович номига берилган 1140 рўйхат рақамли, В№167611 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳоқимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Учтепа туманидаги 23-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Мунира Мухиддиновна ШАХОБОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

Спорт янгилıkları

ЎСМИРЛАРИМИЗ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўтган йили 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича уюштирилган Осиё чемпионатида қитъа чемпионлигини қўлга киритган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ўқув-йиғин машғулотларини давом эттириш мақсадида БААга жўнаб кетишди.

БААга сафар олдидан Тошкентда икки ҳафталик ўқув-йиғин машғулотларида жисмоний тайёргарликдан ўтган Дилшод Нуралиев шогирдлари иккита назорат-ўртоклик учрашувида имкониятларини синовдан ўтказишди.

Дастлаб «Металлург» жамоаси ўринбосарлари билан куч синашган ўсмирлар терма жамоамиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бунда Шохжаҳон Қилчичев ва Фолиб Ғайбуллаев

голларга муаллифлик қилишди.

Ўсмирлар терма жамоамизнинг «Бунёдкор» клуби ўринбосарларига қарши ўтказган иккинчи назорат-ўртоклик учрашувида «Бунёдкор»нинг омади келди. Учрашув 1:3 ҳисобида Дилшод Нуралиев шогирдларининг мағлубияти билан яқунланди. Ўсмирлар терма жамоасидан «Бунёдкор» дарвозасига тўпни Шохруҳ Раззоқов киритди.

РУСТАМ УМАРОВ — КУЧЛИ ДАРВОЗАБОНЛАР САФИДА

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА ташаббуси билан 2012 йил якунларига кўра, мини-футбол бўйича дунёнинг энг яхши дарвозабони номинациясига номзод спортчилар рўйхати эълон қилинди.

Мазкур рўйхатдан мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва Тошкентнинг «Ардус» клуби дарвозабони Рустам Умаров ҳам ўрин олди. Чунки тажрибали дарвозабонимиз Рустам Умаров 2012 йилнинг июль ойида Кувейтда клублар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида «Ардус» дарвозасини муносиб ҳимоя қилиб, жамоасининг кумуш медалга сазовор бўлишига катта ҳисса қўшган эди. Шуниси эътиборлики, Рустам Умаров жаҳоннинг энг кучли дарвозабонлари сирасига киритилган осиелик ягона спортчидир.

Жорий йилги мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадида амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» жамоаси аъзоларининг БААга сафар қилганлигидан мухлисларнинг хабарлари бор албатта.

ХОРИЖ САФАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ

БААнинг Шаржа шаҳрида ўқув-йиғин машғулотларида пахтакорчилар икки ҳафта давомида кунига икки маҳалдан жисмоний, руҳий синовдан ўтишди. Шуниси эътиборлики, машғулотлар доирасида 4 та назорат-ўртоклик учрашувлари уюштирилди. Дастлаб БААнинг «Ал Жаниш» жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг натижа қайд этган Мурод Исмоилов бош мураббийлигидаги «Пахтакор» командаси БААнинг «Фужайра» клубига 2:3, Краснодарнинг «Кубань» жамоасига 0:1 ҳисобларида имкониятни бой бериб қўйди.

Дарвоқе, ўтган йили пахтакорчилар сафида ўйнаган черногориялик легионер футболчи Санибал Ораховац билан клуб раҳбарияти шартномани узайтирмади. Шунингдек, машғулотларда синовдан ўтган Оганесян, Махарадзе ва Миладинович ҳам шартнома муддати яқунланганлиги сабабли юртликлари қайтиб кетишди.

Ҳозирда Тошкентда ўқув-йиғин машғулотларини давом эттираётган пахтакорчилар 3 февралда Туркияга жўнаб кетишди ва икки ҳафта тайёргарлик машғулотларида иштирок этишди.

ҲАМЮРТИМИЗ МАШГУЛОТЛАРНИ БОШЛАДИ

Ҳамюртимиз, 21 ёшли спортчи Михаил Гел кейинги йилларда муз устида нафис учиб бўйича уюштирилган халқаро турнирларда бир неча марта совринли ўринларни эгаллаган.

Жорий йилда ҳам Михаил Гелни кўплаб нуфузли халқаро турнирлар кўтиб турибди. Жумладан февраль ойи ўрталарида хорижда ўтказиладиган халқаро турнирда спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Шунингдек, март ойида фигурали учиб бўйича

уюштириладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган спортчимиз совринли ўринлардан бирини эгаллаш ниятида. Шу боис ҳам Михаил ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ЭЛЕКТРОН АРХИВ КЎМАГИДА

Гап шундаки, Россиядаги «Электрон архив» корпорацияси электрон ахборот-ресурслар яратиш бўйича Европанинг энг йирик марказларидан бири ҳисобланади. Бу нуфузли корпорация вакиллари республикамизда бўлиб, кутубхоналар билан ишлаш бўйича орттирилган бой тажрибаларни баҳам кўрдилар. Республика ахборот-кутубхона марказида ҳам «Электрон архив» корпорацияси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда электрон ресурсларни шакллантириш ва кўпайтиришга эътибор қаратилди. Ретроспектив конверция, яъни кутубхоналардаги фондларнинг электрон базасини яратиш режалаштирилди. Бунда, шубҳасиз «Электрон архив» корпорациясининг бой тажрибасига таяниб иш кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ана шу йўналишлар бўйича махсус лойиҳа амалга оширилади. Натижада кутубхона фондиди электрон шаклга ўтказиш учун замин яратилади.

Аҳмад АББАСОВ

ган гиёҳванд моддалар транзити оқимини камайтиришга эришилмоқда. Наркотик моддаларини суиистеъмол қилишга ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг қўламли профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг вазифаларидан бири наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишдир. Мамлакатимиз Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази ишида ҳам фаол қатнашмоқда. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон, шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Жаҳон божхона ташкилоти, Интерпол каби нуфузли халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик қилмоқда.

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистон наркотикларни назорат қилиш бўйича 9 халқаро лойиҳани амалга оширишда иштирок этмоқда, — дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Суннат Шеров. — Ушбу лойиҳалар доирасида республикамизнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг 300 нафардан зиёд ходимлари учун 30 дан ортик тренинг ва курслар ташкил қилинди. Соҳани назорат қилиш ва текшириш техник воситалари, компьютер жихозлари ва бошқа ашёлар билан таъминлашга қаратилган ташкилий-амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Тадбир доирасида наркотик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ аянчилик оқибатлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА мухбири

ўйиқ қилиш, гиёҳванд моддалар тарқатилишининг олдини олиш, бу борада идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берди. Жумладан, 1995 йилнинг февралда мамлакатимиз БМТнинг 1961 йилдаги Наркотик воситалар тўғрисидаги, 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги,

ПРОФИЛАКТИКА — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАЪСИРЧАН УСУЛИ

сидаги ва 1988 йилдаги Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияларига қўшилди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Таъкидландики, Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси ва унинг ижроия органи бўлган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, ҳуқуқ-тартибот органлари, бошқа ваколатли вазирликлар ва идоралар томонидан амалга ошириладиган сазй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз ҳудуди орқали ўтади-

3-ОЗ ЎРГАНИД ДОНО БЎЛУҒ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ожизлигини ҳис қилиш ҳамиша аламли.

Иззат-нафс кўпинча кишининг зарарига ишлайди.

Сен ҳисобда минг адашма, ҳаётнинг ўзи тўғрилаб қўяди.

Чорасизлик кишини тушкунлик чоҳига итаради.

Битмайдиган ишнинг баҳонаси кўп.

Мағлубиятини тан олиш ҳам мардликка киради.

Душман очикча ёмонлик қилади, сохта дўст яширинча.

Гап-сўзларга парво ҳам қилма, бепарво ҳам бўлма.

Пул қизганишга арзийдиган нарса эмас: бировдан аясанг, бошқага барибир кетади.

Бир куйган қайта куймас.

Одамлар то ишлари тушмагунча сени йўқлашмайди. Ишлари битгач эса, яна қораларини кўрсатишмайди.

Ёлгон асосига қурилган умр омонат бўлади.

Меҳнат — буюк нажоткор.

Болаларни ортиқча сийлаш уларга ёмонлик тилашдир.

Қаноатсизлик кишини хор қилади.

Қаноат туганмас бойлик.

Меҳнат кишини улуғласа, ғийбат тубанлаштиради.

Ҳаётнинг ўз ҳисоб-китоби бор — буни одамлар кўпинча англаб етмайдилар.

Бу дунёда бир куни келиб фош бўлмайдиган сир йўқ.

Индашмаса ҳам одамлар кимнинг қандайлигини жуда яхши биладилар.

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража

соғуқ, кундузи — 8-10 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яради. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўлашликда тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.